# «ДЕМОКРАТИЯ — ҚОНУНГА ВА ШАХСГА ҲУРМАТ ДЕМАКДИР»

(Боши 1-бетда).

**— Лекин сизнинг мухолифларингиз ҳам худди шундай мақсадларни эълон қилмоқдалар-ку?**

— Ана шу мақсадларга эришиш усуллари ва воситалари-чи? Ўтмиш аёвсиз танқид қилинмоқда ва уларнинг келгусига мўлжалланган режалари чалкашдир. Аммо қачонгача салбий муносабат билдириш, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни қидириш мумкин. Бундай усул билан бунёдкорликни эмас, балки вайронгарчиликни, ҳамкорлик йўлларини излашни эмас, балки яқин кишиларга нисбатан қаҳр-ғазаб тўлқинини осонгина юзага келтириш мумкин. Тўғри, пахта яккаҳокимлиги қарор топди, Орол қурий бошлади, атроф-муҳит заҳарланди, халқ эътиқоди ва анъаналари таъқиб этилди, феодализмдан социализмга «сакраб» ўтилганлиги тарғиб этилди.

Бироқ энди ўтмиш хатоларидан тўғри хулоса чиқариб, уларни такрорлашдан эҳтиёт бўлиб, аҳволни тузатишга киришайлик. Халқ ишончининг ҳам чегараси бор, вақтимиз ғоят зиқ. Тўғрисини айтсам, меҳнат жамоаларида ва кўчаларда одамларга яқин вақт ичида аҳволнинг яхшиланишини кутмаслик керак, деб айтиш мен учун жуда оғирдир. Мен арзон-гаров шуҳрат орттирмоқчи эмасман. Эл ишончига таяниб Президент сифатида халқ билан ошкора гаплашишим шарт.

Вазият қийин. Бироқ агар биз пахта майдонларини кескин қисқартириш ҳамда бўшаган юз минглаб гектар ерларни деҳқонларга ва шаҳарликларга фойдаланиш учун бўлиб бериш йўлидан бормаганимизда, аҳвол янада қийинроқ бўлур эди. Эҳтимол, бугунги кунда биз бошқачароқ очликни ва бир эмас, бир неча Фарғона фожиаларини бошдан кечирган бўлур эдик. Биз марказий ва маҳаллий ҳокимият тузилмаларининг қаршилигини енгиб ўтиб, ана шундай ишларни амалга оширдик.

Турли партиялар ва ҳаракатларнинг вакиллари бўлган ва бизни танқид қилаётганларга бизга ёрдам беринг, жойлардаги расмиятчи тўралар, порахўрлар ва дангасалар ишни барбод этмасликлари учун чинакам халқ назоратини йўлга қўйинг, дедик.

**— Рози бўлишдими?**

— Йўқ. Сиз ишлайверинг, биз эса сизнинг хатоларингизни кўрсатиб борамиз, дейишди. Наҳотки, демократия деганлари шу бўлса?!

Нарх-наво мисли кўрилмаган даражада оширилгандан кейин (Иттифоқ ҳукуматининг айби билан шу даражада оширилди, деб ҳисоблайман), Тошкентдан юзлаб километр наридаги Яккабоғда ғалаёнлар бўлиб ўтди. Яна мухолифларимиз ёрдамида чет эл «Озодлик» радиостанцияси орқали қишлоқ аҳолисидан олти кишининг қони тўкилди, у ерга алоҳида вазифаларни бажарувчи милиция отряди қисмлари олиб кирилди, деган гаплар тарқатилди. Шуниси ҳайратланарлики, бу хабар ҳақиқий воқеалар бошланишидан икки кун олдин берилди. Эфир орқали тарқалган гаплар ҳақиқатга мос тушмас эди. Яккабоғдай олис жойда нима учундир Тошкентдан келиб қолган «халқ ҳимоячилари»нинг бутун бир гуруҳи иш олиб борди. Улар нари борса бозор расталарини остин-устун қилган маҳаллий саёқлар тўдасини кўпайтиришга муваффақ бўлдилар.

Бундай хатти-ҳаракатларни халқ иродасининг ифодаси, яъни демократиянинг намоён бўлиши деб ҳисоблаш мумкинми? Расмий маъмурлар нима қилишлари: эҳтирослар авж олдирилишига йўл қўйиб беришлари керакмиди ёки тартибсизликнинг пайини қирқишлари керакмиди? Агар жамиятда интизом ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашни якка ҳокимлик деб аталса, нима ҳам дердик, мен бу борада изчил «якка ҳоким» бўламан.

**— Бир партияли системага содиқ бўлган сизни жумҳуриятни бошқа партиялар яшай олмайдиган «коммунистик қўриқхона»га айлантирганликда ҳам айбламоқдалар.**

— Бир партияли система жуда қалтис бўлиб, унда назоратсиз ҳокимият нопок қўлларга ўтиб қолиши мумкин, ҳолбуки, биз ўз тарихимизда бундай ҳолларни бир неча бор бошдан кечирдик. Бундай система осонгина тоталитаризмга, халқни ва партиянинг оддий аъзоларини лақиллатишга олиб келади. Шунинг учун мен мамлакат Конституциясининг 6 ва 7-моддалари бекор қилинишини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман.

Лекин Ғарбдаги ривожланган демократияларга бир назар ташланг — ҳар бир давлатда дарғалик қила оладиган қанча партия бор? Бармоқ билан санарли! Бу тўғридир, чунки партиялар муайян синфлар ва табақаларнинг манфаатларини ифода этади, улар орасидан янги-янги аъзоларни сафарбар қилади. (Кимга тафсилотлари керак бўлса, В. И. Ленин асарларини тавсия қиламан).

Ўзбекистон Компартияси салкам 700 минг кишини бирлаштириб, меҳнаткашлар мутлақ барча табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Компартия ўзининг бултур бўлиб ўтган XXII съездида жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий янгилаш, аҳолини бозор муштулотларидан ҳимоя қилиш, Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш дастурини олға сурди ва у якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Дастури ва ҳаракатлари бизникидан ҳам яхшироқ бўлган бошқа партия мавжуд бўлса, халқ уни қўллаб-қувватлайди.

Аммо ҳамма гап шундаки, ҳозирча бундай куч йўқ. Биз жумҳуриятнинг жамоат ташкилотлари тўғрисидаги Қонунни қабул қилдик. Шунга мувофиқ у ёки бу партиянинг рўйхатга олиниши учун бор-йўғи 3 минг аъзоси бўлса кифоя. Лекин негадир ҳозирча аризалар тушмаяпти. Халқ ким билан эканлигига энди ўзингиз баҳо беринг. Тўғри, Фарғона воқеаларидан кейин Компартиянинг обрў-эътибори жуда тушиб кетди, чунки вазият шу қадар кескин эдики, жумҳуриятнинг ҳар қандай бурчагида Фарғонадагидек аланга авж олиб кетиши мумкин эди. Ўзбекистон Компартиясининг ўша пайтдаги раҳбарлари эса билмасдан ағдариб юборилган бир тоғорачадаги қулупнай тўғрисидаги сафсата билан халқни тинчлантирмоқчи бўлдилар.

Биз ўшанда кабинетлардан одамлар ҳузурига чиқдик, улар билан ички қўшинларнинг, милтиқлар ва қалқонларнинг орқасида туриб эмас, балки бевосита сўзлашишни ўргандик.

Ўша пайтда кўпчилик шиорлардагидек силлиқ эмас, балки қийинчиликлар билан шуни англаб етишдики, агар сен партия аъзоси бўлсанг муштарак манфаатлар билан яша, ишда бошқаларга қараганда кўпроқ ғайрат кўрсат. Қўлингдан келмайдими, тинч бир жойни топ, ҳисобчи бўл, тонг саҳарлари бемалол балиқ тутиб юрабер: фақат халқнинг ишончи билан ўйнашма, унинг ҳис-туйғулари билан чайқовчилик қилма.

**— Дарвоқе, ҳис-туйғулар тўғрисида. Гап-сўзларга, миш-мишларга қараганда сиз Ш. Р. Рашидовга нисбатан алоҳида ихлос билан қарар эмишсиз, унинг раҳбарлик услубига амал қилишга уринаётган эмишсиз. Ҳатто, «янгирашидовчилик» ибораси пайдо бўлди.**

— Бўлмағур гаплар, менинг назаримда, булар сиёсий баҳсда ҳақиқий далилларнинг йўқлиги туфайли пайдо бўлди. Норасмий ҳаракатлардаги ва бошқа баъзи оқимлардаги мухолифларимиз халқни ўтмишга қайтиш билан чўчитишни истардилар. Аммо тарихан бу мумкин эмас. Рашидов — ўз даврининг фарзанди.

Жумҳурият Компартиясининг XXII съездида унинг Ўзбекистон тарихидаги роли ва ўрни тўғрисида шундай қатъий бир фикр билдирилган: «Биз Рашидов номи билан боғлиқ барча салбий ишларни қоралаймиз. Бундай ишлар биз учун номақбулдир. Биз ўтмиш иллатларидан покланишимиз керак, шундай қилмасак, олға ҳаракат қила олмаймиз. Шу билан бирга биз ўша даврда содир бўлган ҳамма нарсаларни ҳаётдан кўз юмган битта шахс билан боғлай олмаймиз».

Талабчанлик, қаттиққўллик, ишни бажариш топширилган кишидан талаб қилиш эса ҳар бир раҳбарнинг энг асосий фазилати, деб ҳисоблайман.

**— Атрофдагилар билан мулоқотда ҳаддан ошириб юбориш, ўзингизни тутолмай қоладиган ҳоллар бўладими? Умуман, ўз-ўзини танқид сизнинг ҳаракатларингизда қандай ўрин тутади? Хатоларингизни тан олиб, кейинчалик уларни тузатасизми?**

— Ўзимни ўзим назорат қилиб, ташқаридан ўзимга назар ташлаш туйғусига эгаман ва бу нарса ўйламай-нетмай шошма-шошарлик билан қилинадиган ҳаракатлардан сақлайди. Қизиққонлик қилиб ўзимни тута олмай қолишим ҳам мумкин. Кейинчалик, эҳтимол, бу ҳақда мен кескин гапириб қўйган кишига қараганда анча кўпроқ афсусланиб юраман. Ҳар бир куннинг охирида воқеалар ва хатти-ҳаракатларни хаёлдан ўтказаман. Ноҳақ бўлсам, узр сўрайман.

Ҳар бир кишида бўлгани каби хатолар бўлиб туради. Мисолми? Биз янги нархларга ўтиш чоғида жумҳуриятимизда ун, макарон ва нон-булка маҳсулотларининг нархларини аввалгидек қолдирдик. Кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашни истадик. Жумҳуриятимизда бундай оилалар кўп ва шундай маҳсулотлар уларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Мувозанатни сақлаш учун гўшт ва ёғнинг нархларини Иттифоқдагидан юқорироқ кўтардик, яъни уларнинг таннархи даражасига етказиб, ҳар килограмм гўштни 10 сўм ва сариёғнинг килограммини 16 сўм қилиб белгиладик.

Иқтисодий жиҳатдан бундай чора тўғри. Қолаверса, биз бошқа маҳсулотларнинг, айниқса саноат маҳсулотларининг қиймати шу қадар ошиб кетади, деб ўйлаганимиз ҳам йўқ эди. Халқ бизни қўллаб-қувватламади ва эндиликда гўшт билан сариёғ Иттифоқ нархларида сотилмоқда. Биз хатони тузатдик, аммо ун ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ҳали ҳам «ислоҳотгача бўлган» нархларда сотилмоқда. Бюджет учун бунга бардош бериш осон эмас, албатта, лекин шундай қилиш керак.

**— Бошқа чора-тадбирлар — мактабларда бепул нонушталар, ҳомиладор аёллар ва эмизикли оналарга, ёлғиз пенсионерларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, талабалар ва ногиронларга, ўқитувчилар ва кўп болали оналарга ёрдам, компенсация тўловлари бирга қўшилганида бу нарса бюджетни «зўриқишга» мажбур қилади. Жумҳурият иқтисодий «гиёванд», марказнинг ёрдамисиз яшай олмайди, деган гап-сўзларнинг сабаби шунда эмасмикан? Сизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Фармонларингиз гўё иқтисодий жиҳатдан асоссиз бўлиб, халққа тилёғламалик қилиш далили эмиш.**

— Мана, сиз истаган Фармонни танлаб олинг: кўпдан-кўп бирламчи ҳужжатлар устида иш олиб борилган 12 тагача вариант ва пул билан таъминлашнинг аниқ манбалари кўрсатилган. Фармонлар халққа ёқиш истак-муддаоси билан дунёга келмаган. Бундай истак-муддаолар кимда бўлишидан қатъи назар, мен уларни қабул қила олмайман. Бу Фармонлар турмуш мантиқи, энг камбағал табақаларнинг турмушини енгиллаштириш хоҳиш-истаги туфайли дунёга келиб, аниқ-равшан ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланмоқда.

Иқтисодий «гиёвандлик» хусусида ким-кимдан қарздор экан? Аввалига бизни хўб ишонтиришди: пахта бўлса бас, қолган нарсаларни жумҳуриятга мамлакат етказиб беради. Пахта толаси қайд этиб қўйилган паст нархларда Ўзбекистондан ташқарига жўнатилди ва ҳамон жўнатилмоқда. Бунинг эвазига нима берилмоқда? Пахта етиштиришда меҳнатнинг 84 фоизи бизнинг зиммамизга тушмоқда ва уни дастлабки қайта ишлашдан тушадиган даромаднинг атиги 16 фоизи бизга тегмоқда. Пахтани олаётган бошқа жумҳуриятларда нисбат аксинча бўлмоқда: масалан, айтайлик, Россияда тўқилган ва тикилган тайёр кўйлак ғоят катта фойда келтирмоқда. Меҳнати — бизга, пули — бошқаларга. Мамлакатнинг «пахта цехи» бўлиш мана нимани англатади.

Биз ўзимизнинг қайта ишловчи қувватларимизни ривожлантира бориб, бу ишни тўғри йўлга қўямиз. Лекин шунгача асосий меҳнат харажатларини ўз зиммасига олган, ишчилар синфингизни хом ашё ва иш билан, аҳолини эса тайёр буюмлар билан таъминлаган кишилар билан даромадларни марҳамат қилиб баҳам кўринг.

**— Модомики биз жумҳуриятларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида гап очган эканмиз, сизнинг назарингизда бундай муносабатлар яқин келажакда қандай бўлиши керак? Янги Иттифоқ шартномасида марказнинг яккаҳокимлигига йўл қўймай, лекин Иттифоқни ҳам барбод этмай бирлик ва хилма-хиллик муаммосини қандай ҳал қилиш лозим?**

— Мен тенг ва хилма-хил жумҳуриятлар иттифоқи тарафдориман. Энг асосий, принципиал деб ҳисоблаётганим: Иттифоқни ташкил қилувчи жумҳуриятларга мустақиллик ва суверенитет бериш керак. Қандай масалаларни ўзлари ҳал қила олишини, қандай ваколатларни марказга топшириб, куч-ғайратни бирлаштирган ҳолда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш ёки Иттифоқ тузилмалари конкрет ҳолларда жумҳурият тузилмаларидан яхшироқ ишлайдиган бўлса, улар орқали ҳаракат қилиш кераклигини фақат жумҳуриятларнинг ўзлари ҳал қилади. Мана шуларни қонунлар уришини тўхтатиш калити деб биламан. Айни пайтда мутлақ барча Иттифоқ тузилмалари, Олий Кенгашдан бошлаб ҳаммаси ўзгартирилиши керак.

Виждонан айтаман: марказни Иттифоқ шартномаси билан боғлиқ ишни тезлаштиришга чақираверив чарчадим. Энди эса бу масалада ўзимни умидвор деб ҳисобламаяпман. Шартнома ҳали узоқ вақт имзоланмай қолиши ҳам мумкин. Ўзаро тотув бўлишимиз учун, бўлажак Иттифоқда ҳар бир жумҳурият ўзини эркин, миллатлар ҳамдўстлиги олдида ўз хатти-ҳаракатларига масъул бўлган мустақил давлат деб ҳис қилиши учун буларни ҳаммамиз англаб етишимиз керак.

**— Модомики биз ҳар хил эканмиз, эркинликни ҳам ҳар хил англаймиз-да, тўғрими?**

— Тўғри. Шошма-шошарлик билан мустақилликни эълон қилиш ва армияда хизмат қилишдан бош тортиш, аслида эса ёшларни Конституцияни бузишга ундаш мумкин. Бу — амалий ишлар билан тўлдирилмаган қоғоздаги эркинликдир. Биз бошқа йўлдан бордик: мамлакатда Қуролли Кучлар Бош штаби билан битим тузган яккаю ягона жумҳурият — бизмиз. Бу битим жумҳуриятимиздан чақирилувчиларга ва уларнинг оилаларига қонуний манфаатларга риоя этилишини ва хизматни ўташ чоғида қулай шароитни таъминлайди.

Мустақилликни эркинлик тўғрисидаги шиорлар билан эмас, балки сиёсий, иқтисодий, маънавий мазмун билан тўлдириш керак. Виждон, дин, шахс, тилни танлаш, маданият ютуқларидан фойдаланиш эркинлиги ва ҳоказолар бўлмаса, чинакам мустақил давлат бўлмайди. Илгари бизда эътиқод учун, аждодларнинг урф-одатларига риоя этилганлик учун, кўпинча халқ анъаналарига ҳурмат кўрсатганлик учун партиядан ўчиришар, лавозимдан бўшатишар эди.

Биз қўрқиш деворини емириб ташладик. Янги масжидлар, диний муассасалар ва иншоотлар пайдо бўлди. «Наврўз», «Рўза ҳайити», «Қурбон ҳайит» каби ва бошқа умумхалқ байрамлари тикланди, салкам 50 та миллий-маданий марказлар ташкил қилинди. ССЖИ халқларининг кўпгина тилларидаги янги нашрлар ва дарсликлар босиб чиқарилди, ҳозир Ўзбекистон мактабларида таълим 12 тилда олиб борилмоқда. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Шарқнинг ноҳақ қатағон қилинган бошқа алломаларининг мероси халққа қайтарилди, уларнинг номлари тарихимизга қайтди. Аёл обрўси ва шахси улуғланмоқда, оиланинг нуфузи мустаҳкамланмоқда, ижодкор зиёлилар ўз фикрини эркин изҳор қилиш имкониятини олдилар.

Мана шулар ва санаб ўтиш қийин бўлган бошқа кўпгина нарсалар — жамият демократик руҳининг қарор топиши эмасми, ахир? Халқимизда мевали дарахтга тош отишади, деган нақл бор. Ёппасига қуруқ танқид ҳам айни ўша тошнинг ўзидир.

Баъзида ҳамма жойга «ўз» кадрларини жойлаштирмоқда, деб айтилаётган айбларни ҳам бир йўла чиппакка чиқариб ўтмоқчиман. Агар шундай бўлганида, гапимга ишонинг, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг бўш турган икки ўринбосари, Давлат режа комитети раиси, бир қанча вазир — лавозимлари ва шу қабилар аллақачон эгаллаб олинган бўлур эди. Бу лавозимлар ярим йилдан кўпроқ вақтдан буён бўш турибди: билимдонларни излаяпмиз. Яккаҳоким бўлганида аллақачон «ёғли» жойларга қариндош-уруғларини, юртдошларини ўтказиб қўйган бўлур эди, бу эса унга уруғ-аймоқчилик маданини таъминлар эди.

**— Сизнинг шундай маданингиз борми?**

— Бор, — дейди табассум билан Ислом Абдуғаниевич. — Менинг уруғ-аймоғим — менга Президент бўлишни ишониб топширган халқдир. Мен халқ билан маслаҳатлашаман ва ўз хатти-ҳаракатларимни унга қараб тўғрилаб оламан. Халқ мендан ҳамма нарсани талаб қилишга ҳақли. Мен эса унга фақат битта илтимос билан — тинчлик ва тотувликда яшайлик, деган илтимос билан мурожаат қиламан. Ўзбекистон ватани бўлган ҳар бир киши бу ерда ўзини бой, эркин ва кучли жумҳуриятнинг, буюк ишларга қодир бўлган буюк халқ яшовчи қадимий маърифатли давлатнинг тўла ҳуқуқли фуқароси деб ҳис қилсин.

Суҳбатдош
**Рустем ТЭЛЛЬ,**
(Ўз мухбиримиз)
**Тошкент.**

(«Рабочая трибуна» рўзномасининг 1991 йил 3 июль сонидан).

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ДЕҲҚОН ЕР СЎРАЙДИ

**«Деҳқонга ер берилсин», «Қишлоқлар газлаштирилсин», «Аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминлансин».** Ўзбекистон Президентининг бу хусусдаги фармонларини халқимиз хуш сабо янглиғ кутиб олган эди. Бу хайрли ишнинг моҳиятини англамаган одамни топиш қийин. Негаки, бу фармонлар етмиш йил мобайнида амалга ошмаган орзуларни рўёбга чиқариш, меҳнаткаш инсоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, уни инсон сифатида қадрлашни кўзда тутади. Шу чоққача эса ишчи-деҳқонга меҳнатдан бош кўтармайдиган ишчи кучи сифатида қараб келинди. Унинг инсоний қадр-қиммати, ташвиш ва эҳтиёжлари унутилди. Ундан фақат иш — мўл ва сувтекин пахта талаб қилинарди.

Бу ҳол деҳқоннинг ўзини ҳам оддий меҳнат қуролига айлантириб қўйган, онгу тафаккурини жиловлаган эди. Деҳқон ҳаётини яхшилаш учун нақд шарт-шароитлар яратиш ўрнига кўп йиллар фақат оғизда ва қоғозда «Деҳқон ундай яшаяпти, деҳқон бундай яшаяпти» деб лоф урдик. Амалда эса аҳолининг қирқ беш фоизи қашшоқликда кун кечираётган эди. Ҳатто улуғ даҳоларимизнинг номлари билан аталган, баландпарвоз шиорлар безаган хўжаликларнинг аҳолиси тирикчилигини аранг ўтказиб келишарди.

Бугун ана шу деҳқон ердан, уйи ёнидан узоқ-узоқларга оқиб кетаётган «занголи олов»дан баҳраманд бўла бошлади. Энди унда ерга эгалик ҳисси уйғонди, қадри ошиб атрофга теран назар сола бошлади. Онгу тафаккурида инқилобий ўзгаришлар юз кўрсата бошлади. Жумҳурият Президентининг қишлоқ аҳли турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан чиқарган фармонлари энг аввало, мана шу жиҳатлари билан ҳам қадрлидир. Хўш, бу фармонлар ҳаётда қандай амалга ошмоқда? Муҳарририятимизга келаётган хабарларга қараганда, бу борада катта бунёдкорлик ишлари авж олаётир. Кўпчилик вилоятларда Президент фармонларининг моҳияти чуқур тушунилиб уни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан катта режалар белгиланди. Бироқ белгиланган режаларни тўкис амалга ошириш йўлида анча-мунча муаммолар ҳам учраб турибди.

Сариосиё туманида 36 километр масофага табиий газ олиб келиш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда газ қувурлари ўрнатадиган махсус кўчма механизациялашган қурилиш ташкилоти тузилди. Унинг кучи билан туманнинг «Ленинизм», «Ленинград», Карл Маркс номидаги жамоа хўжаликларида газ қувурлари ўрнатилмоқда. «Ленинизм» колхозининг Бойбўри қишлоғига ҳам ниҳоят табиий газ келди.

Бу хўжаликларда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун артезиан қудуқлар ҳам ишга туширилмоқда. Бироқ маблағлар етишмаслиги газлаштириш ва сув қувурлари ўтказиш ҳажмини оширишга имкон бермаяпти. Хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан қўли қисқалиги, қувурлар етишмаслиги фармонлар ижроси билан боғлиқ режаларни орқага сурмоқда. Масалан, «Дашнобод», «Ленинград», «Правда» хўжаликларининг аҳолиси тоза ичимлик сувга ҳамон кўз тикиб қолаяпти.

Туман аҳолисини томорқа билан таъминлаш борасида ҳам муаммолар, норозиликлар мавжуд. Аввало, район хўжаликларида томорқа майдонлари ҳар хил миқдорда берилаяпти. Масалан, Узун туманидаги «Коммунизм» ва Жума Пирназаров номидаги хўжаликларнинг аҳолисига атиги 6—8 сўтихдан томорқа берилмоқда, холос. Ҳатто бундай энг кам миқдордаги томорқани ҳам ололмасдан сарсон бўлиб юрганлар кўп. Ҳолбуки, ҳукумат қарорларида қишлоқда яшовчи аҳолига имконга қараб 25 сўтихгача ер ажратиб бериш кўзда тутилган эди. Ҳатто Хоразмнинг аҳоли тиғиз яшайдиган хўжаликларида ҳам аҳолига 13 сўтихдан кам бўлмаган миқдорда томорқа берилаётганда 6—8 сўтих билан чегараланиш инсофдан эмас.

Сариосиё ва Узун туманларининг аҳолиси қўли гул, меҳнаткаш, соҳибкор халқ. Улар истаган жойидан колхоз ва совхозларникига қараганда 2—3 ҳисса кўп ҳосил етиштирадилар, ўзини ҳам, хўжаликларни ҳам бойитадилар. Шундай экан, жамоа хўжаликларининг ерларидан бир қисмини аҳолидан қизғанмаслик зарурга ўхшайди. Афсуски, кўп жойлардаги қуйи бўғин ишбошилари буни чуқур англаб етмаяптилар.

Бундай норозиликлар Жиззах шаҳри аҳолиси ўртасида ҳам мавжуд. Ҳозир шаҳар меъморчилик-қурилиш бошқармаси рўйхатида 1500 дан ортиқ оила уй-жой қуриш учун ер майдони олишга навбатда турибди. Шаҳар кенгаши ижроия комитети шу йил аҳолининг кўп йиллик талабларини инобатга олиб, шахсий уй-жойлар қуриш учун 300 гектар ер ажратишга қарор қилган эди. Бироқ бугунга қадар атиги 150 кишига ер майдони берилган, холос. Ишга бундай сусткашлик билан ёндашиш, халқнинг моддий фаровонлигини ошириши мумкин бўлган имкониятларни рўёбга чиқаришга шошилмаслик кўпчиликнинг қўлини боғлаб турибди. Албатта, Тошкентдан ҳеч ким Узун ёки Жиззахга бориб аҳолига ер ўлчаб бермайди. Буни шу жойларнинг раҳбарлари чуқур тушуниб етишлари керак. Халқ қуйи бўғин раҳбарларидан нажот кутмоқда, ер сўрамоқда. Бундан кўз юмиш ҳеч кимга обрў келтирмайди.





**«Чороғил» давлат ижара ширкат бирлашмаси ўтган йили Қарши даштидаги иқтисоди инқирозга юз тутган хўжалик ўрнида ташкил топган эди. Истиқболли иш услуби дастлабки йилдаёқ ўз самарасини берди. Хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий равнақи йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Деҳқонлар ва чорвадорларнинг ерни, молларни ижарага олиб ишлаши туфайли уларнинг хўжалик фаолиятини мустақил ташкил этиш имкониятлари кучайди. Бу ерга эгалик ҳиссини оширди. Тежамкорлик учун нақд имкониятлар вужудга келди. Баҳор инжиқликлари туфайли айрим далаларда экинни қайта экишга тўғри келган бўлса-да, ҳеч ким умидсизликка тушгани йўқ. Деҳқоннинг ишбилармонлиги қўл келмоқда. Суратчи мухбиримиз Содиқжон Маҳкамов олган бу лавҳаларда хўжалик манзаралари акс этган. Бирлашма 1-ширкатининг бошлиғи Б. Бозоров ва хўжалик раҳбари О. Бердиев (чапдаги сурат), ижарачи звено бошлиғи Менгли Эшмуродова (ўнгда) даласида.**

Ҳафталикнинг шу йил 22 март сонида эълон қилинган «Виждонингиз уйғоқми?» мақоласида келтирилган факт ва газетхон Қосим Қутлиевнинг шикояти Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бўлими билан биргаликда текширилди, — дейилади Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий ёрдам бош бошқармаси бошлиғи вазифасини адо этувчи Ш. Хидиров имзоси билан олинган расмий жавоб хатида, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бўлимининг 1990 йил 30 октябрда чиқарган буйруғига кўра И. Раҳмонов ва Н. Қутлиевни даволашда йўл қўйилган ташкилий хатолар учун туман марказий касалхонаси бўлим мудири А. Омонов лавозимидан четлаштирилди, даволаш бўлими бош врач ўринбосари А. Абдуллаевга ҳайфсан, марказий касалхонанинг тез ёрдам кўрсатиш бўлими мудири Латиповга, «Тез ёрдам» фельдшери Тожиевга, Отамуродовга, навбатчи жарроҳ О. Шодмоновга қатъий ҳайфсан берилди. Шодмонов ошиғич навбатчиликдан четлатилди. Шундай жазо чораси навбатчи врач Х. Фозиловга нисбатан ҳам белгиланди. Мазкур буйруқ вилоятнинг даволаш-муҳофазалаш муассасалари жамоаларида эълон қилинди.

Н. Қутлиев ва И. Раҳмоновнинг ўлими фактлари бўйича Шофиркон район прокуратурасида тергов ишлари олиб борилмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

# «ВИЖДОНИНГИЗ УЙҒОҚМИ?»

**РЕДАКЦИЯДАН:** **«Виждонингиз уйғоқми?» мақоласи эълон қилингач, редакциямиз ушбу райондан ўнлаб хатлар олди. Уларда район марказий касалхонасида беморларга тиббиёт хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмаслиги куюнчаклик билан баён этилган. Қўлимизда вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудири вазифасини бажарувчи М. Абдураҳмонов имзоси билан йўлланган расмий жавоб хати ҳам турибди.**

**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги муҳарририят хатига эътибор билан қараб, ушбу шикоятлар юзасидан вақтида текшириш ишлари олиб борганидан миннатдормиз. Лекин кимнидир вазифасидан четлаштириш, кимгадир ҳайфсан эълон қилиш билан ишда ўзгариш ясаш, бу ташвишли вазиятдан қутулиб кетиш жуда қийин. Жони оғриб турган бемор шифокорнинг меҳр-мурувватига, бир оғиз ширин сўзига муҳтож. Шифокорнинг касбига бўлган фидойилиги, тажрибаю маҳорати беморга ҳаёт, умр бахш этади. Шифокор буни унутмаслиги керак. Шу маънода муҳарририят Шофиркон туман марказий касалхонасида беморларга хизмат кўрсатиш яхшиланади, деб умид билдиради ва бу ишни ўз назоратига олади.**

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

# «ЁШЛИК» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси котибияти «Ёшлик» журнали ижодий жамоаси билан учрашув ўтказди. Учрашувни олиб борган уюшма биринчи котиби Одил Ёқубов журналнинг кейинги йиллар ичида жумҳурият ёшларини қайта қуриш, ижтимоий ислоҳотлар ва демократик қарашлар руҳида тарбиялашда эришган ютуқлари, катта ижодий-ижтимоий иш жараёнида йўл қўйилган айрим камчиликлар, келажакда нашр ишларини юксакроқ савияга кўтариш йўллари ҳақида сўзлаб ўтди. Учрашувда сўзлаганлар ўқувчиларнинг эътирофи ҳамда меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган журнал ижодий анъаналарини изчил давом эттириш, унинг тиражини кўтариш зарурлигини таъкидлаб айтдилар.

Журнал ижодий жамоасининг маиший-маданий талаблари, турмуш шароитларини яхшилаш ва бунинг амалий чораларини кўриш ҳам келишиб олинди.

Журнал ҳаммуассиси Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ биринчи котиби Азиз Носиров журнал бош муҳаррири Омон Матжон ишдан ўз ихтиёри билан бўшаш ҳақида ариза берганлиги ва унинг аризаси қондирилганлиги ҳақида ахборот берди. Бу масалада ҳаммуассис сифатида Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти билан ўз вақтида келишиб олишга улгурилмаганлиги учун узрли сабабларни кўрсатиб ўтди. «Ёшлик» журналининг бош муҳаррири қилиб Тоҳир Малик тайинланганлигини маълум қилди.

Котибият журнал жамоаси ўз олдида турган ижодий вазифаларни муваффақият билан адо этади, деб ишонч билдирди.

